Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти КУТУБХОНАСИ


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 38 (9.230) 1999 йил 5 апрель, душанба ◆ Сотувда эркин нархда


## МДҲ: ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ

**Москва. 2 апрель /ЎзА махсус мухбири Шухрат Умиров хабар қилади/.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1 апрель куни МДҲ давлат раҳбарлари Кенгашининг навбатдаги саммитида иштирок этиш учун Москвага келди. «Внуково-2» аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президентини Россия Федерацияси ҳукумати раисининг ўринбосари Геннадий Кулик, Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ш.Шоисломов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

2 апрель куни Кремлда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлиси бўлди. Унда Ҳамдўстлик ва халқаро доирадаги долзарб муаммолар мулоқотларнинг асосий мавзуси бўлди.

Сўнгра давлат раҳбарлари ва уларга ҳамроҳлик қилаётган расмий делегация аъзолари иштирокида ялпи мажлис бўлиб ўтди. Унда МДҲ фаолиятини Ҳамдўстликка аъзо бўлган барча давлатлар манфаати нуқтаи назаридан такомиллаштириш, Ҳамдўстлик шартномавий-ҳуқуқий заминини мустаҳкамлаш, тузилма органлари тизимларини такомиллаштириш, хавфсизлик, иқтисодий ҳамкорлик ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Ялпи мажлисда Россия Федерацияси Президентининг Федерация кенгашидаги вакили бўлиб ишлаб келган Юрий Яров МДҲ ижрочи котиби этиб тайинлангани маълум қилинди.

Ялпи мажлис ниҳоясида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Унда 1994 йил 15 апрелдаги эркин савдо зонаси яратиш тўғрисидаги Битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Протокол, МДҲга аъзо давлатлар раҳбарларининг Ҳамдўстликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги Декларацияси, МДҲ органларида раислик тартиби тўғрисида, МДҲ органлари тизимини такомиллаштириш ва ислоҳ қилиш тўғрисида, Ҳамдўстлик давлат раҳбарлари Кенгаши ва ҳукумат бошлиқлари Кенгаши ўртасида ваколатларни тақсимлаш тўғрисидаги ва бошқа қарорлар, шунингдек, МДҲга аъзо давлатларнинг жиноятчиликка қарши биргаликда курашиш Концепцияси ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Шу билан МДҲ давлат раҳбарлари Кенгашининг навбатдаги саммити ниҳоясига етди.

* * *

2 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Москвадан Тошкентга қайтиб келди. Пойтахт аэропортида давлатимиз раҳбарини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Кутиб олувчилар орасида Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси А.Пацев ҳам бор эди.

*(ЎзА).*

*Тошкент шаҳар ҳокимлигида*

## 9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИНИ ЎТКАЗИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

***Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 18 мартдаги «Умумхалқ байрами 9 Май — Хотира ва Қадрлаш кунини ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги 119-сонли қарорини амалга татбиқ этиш юзасидан Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов «9 Май — Хотира ва Қадрлаш кунини ўтказишни ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди.***

Қарорга мувофиқ умумхалқ байрами 9 Май — Хотира ва Қадрлаш кунини ўтказиш бўйича шаҳар Ишчи гуруҳининг таркиби тасдиқланди.

Ишчи гуруҳи зиммасига 10 кун муддатда ушбу санани умумхалқ байрами сифатида юксак маънавий-ахлоқий савияда ўтказиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш топширилди.

Туман ҳокимликлари:

— жойларда умумхалқ байрами 9 Май — Хотира ва Қадрлаш кунини юқори савияда ўтказиш;

— бугун ҳам сафларимизда туриб Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган барча кишиларга муносиб иззат-икром кўрсатиш;

— фахрийларга, Ватанимиз мустақиллиги ва шаънини ҳимоя қилганларнинг барчасига моддий ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишлари ва уни амалга оширишлари керак.

1941—1945 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат манфаатларини ҳимоя қилишдаги улкан хизматлари учун Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларига энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдорида бир йўла бериладиган пул мукофоти белгиланди.

Молия бош бошқармасига иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларини мукофотлаш билан боғлиқ сарф-харажатларга юқорида қайд этилган Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан республика бюджетидан ажратиладиган маблағ ҳисобидан маблағ ажратиш топширилди.

Молия бош бошқармаси, Марказий банкнинг шаҳар бўлими, Ижтимоий таъминот бошқармаси, Мудофаа ишлари бошқармаси, Ички ишлар бош бошқармаси ҳамда бошқа тегишли ташкилотлар зиммасига мазкур пул мукофотларини байрам арафасида тўланишини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Маданият ишлари бош бошқармасига 1999 йилдан бошлаб ҳар йили умумхалқ байрами 9 Май — Хотира ва Қадрлаш куни арафасида Мудофаа ишлари бошқармаси, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармаларининг шаҳар бўлимлари ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда жойлардаги музейлар, кутубхоналар ва маданият саройларида Ватанимиз мустақиллиги ва шаънини ҳимоя қилган кишилар ҳаётини ёрқин акс эттирувчи махсус кўргазмалар, ёшлар билан учрашувлар, маърифий-бадиий кечалар ўтказишни ташкил этиш топширилди.

Халқ таълими бош бошқармаси, ўқув юртига эга бўлган бошқа бошқармалар ҳамда идоралар ўқув дастурларига хотира ва қадрлаш дарсларининг киртилишини таъминлашлари керак.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририяти, Ўзтелерадиокомпаниянинг «Тошкент» студиясига Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга оид тадбирларни мунтазам ёритиб бориш тавсия этилди.

*Баҳорги чақириқ*

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

***Куни кеча Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар, чегара, ички ва қоровул қўшинлари сафларидан заҳирага бўшатиш ва фуқароларни муддатли ҳарбий хизмат ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида»ги қарори чиқди. Ҳадемай чақириқ пунктлари ўсмир ёшларимиз билан гавжум бўлади, йигитларимиз Ватан олдидаги ўз бурчларини ўташга отланадилар.***

Марказий офицерлар саройида пойтахт туманларининг прокуратура, милиция, ФХДЁ бўлимлари, ҳудудий тиббиёт бирлашмалари ходимлари, туман чақириқ комиссияларининг аъзолари, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» жамияти, туманлар ҳокимлари ўринбосарлари, маҳаллалар оқсоқоллари иштирокида кузги чақириқ якунлари ва баҳорги чақириқни кўнгилдагидай ўтказиш вазифаларини белгилаб олиш мақсадида услубий-методик анжуман бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар чақириқ комиссиясининг раиси Эркин Эрназаров олиб борди.

Амалий руҳда ўтган анжуманда дастлаб Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармасининг бошлиғи, полковник Фарҳод Рустамов сўзга чиқди. У ҳарбий ва муқобил хизматга чақириш борасида 6 ой ичида юз берган ўзгаришлар тўғрисида тўхталиб, кузги чақириққа қисқача якун ясади, ўсмирларни тиббий кўрикдан ўтказиш масалалари, бу борада йўл қўйилаётган камчиликларни атрофлича таҳлил қилиб ўтди. Шунингдек, ҳарбий чақириқ ишларини ташкил этишга сидқидилдан ёрдам берган Юнусобод, Чилонзор, Сергели туман ҳокимликлари, Ҳамза, Мирзо Улуғбек, С. Раҳимов туман ички ишлар бошқармалари раҳбарларининг кўмакларини алоҳида таъкидлади, маҳаллалар, жамоат ташкилотлари, соғлиқни сақлаш тизимининг том маънода ҳамкорлиги йўлга қўйилганидагина баҳорги чақириқ муваффақиятли бўлишини айтиб ўтди.

Шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ўсмирлар хизмати бошлиғи Г. Умарова, шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Ф. Абдураҳимова, шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи Ҳ. Йўлдошевлар чақириқнинг сифат даражаси ва ўсмирларни текширувга жўнатиш, ўқув муассасаларидаги ҳарбий тайёргарликнинг ҳолати, тиббий кўрикдан ўтиш масалаларини яхшилаш борасида қилинаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтишди, мавжуд камчиликларга барҳам бериш юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини билдиришди.

Анжуман сўнггида шаҳримиз маҳаллаларининг барча оқсоқоллари, мактабларнинг директорларини жалб этган ҳолда шу мавзудаги йиғилиш ўтказишга келишиб олинди.

*Дилмурод ИСМОИЛОВ.*

*Қурилиш*

***Шаҳримизнинг Матбуотчилар кўчасида қад ростлаётган муҳташам иморатда ҳам айни кунларда ишлар яна авжига чиқди, бунёдкорларнинг сафи кенгайиб иш кўлами ортди. Қурилишнинг бош пудратчиси саналган «Тошуйжойинвестқурилиш» корпорациясига қарашли «12-трест» ҳиссадорлик жамиятининг 51-қурилиш бошқармаси жамоаси ёрдамчи пудратчилар билан ҳамкорликда ҳар бир ишни лойиҳада кўрсатилганидек бекаму кўст адо этишмоқда.***

## ПОЙТАХТИМИЗГА ЧИРОЙ БАҒИШЛАЙДИ







Қурилиш-тиклаш ишлари ниҳоясига етган бу уч қаватли бинонинг қуриб битказилиши, албатта, ҳамшаҳарларимизни хушнуд этади. Чунки бинонинг биринчи ва иккинчи қаватларида жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатувчи савдо расталари жойлашиб, пештахталарда харидор учун зарур барча маҳсулотлар мавжуд бўлади. Шунингдек, ресторан ва бир нечта қаҳвахоналарда мижозларга энг намунали хизматни йўлга қўйиш кўзда тутилган. Учинчи қаватда эса пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар ва турли фирмаларнинг офислари жойлашади.

Айни кунларда бу қурилиш майдонида «Тошмуҳандисқурилиш»га қарашли 20-ҳамда 8-қурилиш бошқармалари, «Шаҳарйўлқурилиш» бирлашмаси, «Тошметроқурилиш» бирлашмасига қарашли 2-қурилиш-тиклаш бошқармаси, «Тошқурилишмеханизация» бирлашмасига қарашли 6-механизация бирлашмаси бунёдкорлари ва ишчи-хизматчилари бир мақсад йўлида — бинони тез ва соз битказиш учун барча имкониятлардан унумли фойдаланиб шижоат кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. Шунингдек, ер ости автомобилларни сақлаш жойи ҳамда лифт қурилишлари ҳам жадал олиб борилмоқда. Бино олдидаги кўча ҳамда унинг атрофини ободонлаштириш ишлари ниҳоясига етиб бормоқда.

8-қурилиш бошқармаси қурувчилари бино ичкарисини пардозлаш ишларини амалга ошираётган бўлса, 20-қурилиш бошқармасининг пардозловчилари иншоотнинг ташқи кўринишига безак беришмоқда.

— Иншоотнинг ташқи кўриниши — безаги, албатта, кишиларга завқ бағишлаши ҳам муҳим аҳамият касб этади, — дейди пардозловчилар бригадаси сардори Юнус Сафаров. — Шу боис ҳам ҳамкасбим Геннадий Медведьев раҳбарлигидаги бригада аъзолари билан биргаликда 30 нафар қурувчимиз шу ишни сидқидиллик билан адо этишмоқда. Қурилишда ўзига хос тажрибага эгалигимиз бу ердаги ишларни ҳам муваффақиятли амалга оширишимизда қўл келмоқда. Бундан аввал Сағбон кўчасидаги турар жой биноларини қуришда, куни кеча эса томошабинларга қувонч улашаётган Ўзбекистон рус Академик драма театри биносини фойдаланишга топширишда ўз ҳиссамизни қўшдик. Ана шундай масъулиятли қурилиш майдонларида ишлаш қурувчиларимиз маҳоратини ошириб, ғайратига ғайрат қўшмоқда. Яна шуни таъкидлаш лозимки, Мустақил юртимизда бугун бунёдкорлик ишлари ҳар қадамда учрайди, уларнинг барчаси мамлакатимизни янада гўзаллаштирмоқда. Биз ана шундай гўзаллик ва ободонликка улуш қўшаётганимиздан фахрланиб меҳнат қиламиз.

Бу икки бригадада ўз касбининг усталари меҳнат қилишади. Улар доимо бир-бирига ўргатиб ва ҳамжиҳатлик билан иш юритишмоқда. Айниқса, 20 йилдан буён қурувчилик ҳунарини эъзозлаётган Эмилия Кинзерская, Шомурод Камолов, Шоюсуф Шоилёсов, Зуҳра Бобомуродовалар бугуннинг илғорлари сафида боришмоқда. Ана шундайларнинг меҳнат завқларию бор маҳоратлари эвазига бунёд бўлаётган иншоот Мустақиллигимизнинг 8 йиллиги арафасида ўз кўркини намойиш этади, пойтахтимизга ўзгача чирой бағишлайди.

*Шарифа ИЛЁСОВА.*

*СУРАТЛАРДА: қурилиш майдонидан лавҳалар.*
*Рустам Шарипов олган суратлар.*

*Ҳаракат хавфсизлиги учун*

## «ДИҚҚАТ, ПИЁДА!» ТАДБИРИ

**БУГУН**

***шаҳримизда Давлат автомобиль инспекцияси ходимлари томонидан «Диққат, пиёда!» тадбирининг иккинчи босқичини ўтказиш юмушлари бошланди. У 15 апрелга қадар давом этади.***

Тадбир давомида болалар ўртасида йўл-транспорт ҳодисалари натижасида жароҳатланишларнинг олдини олиш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилади. Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад ҳам барча катта ёшдаги аҳолининг ушбу муаммога эътиборини қаратишдир.

Шуни таъкидлаш керакки, «Диққат, пиёда!» тадбирининг биринчи босқичи, шунингдек йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлигининг ўтказилиши ўзининг ижобий натижаларини берди — пиёдалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг сони қисқарди. Бироқ болалар жабрланаётган йўл ҳодисалари сони анча юқориligича қолмоқда. Ва бунда фақат биз катталар ўз шахсий намунамиз билан, йўлларда қоидаларга қатъий риоя қилишимиз билан болалар ўртасида йўл-транспорт ҳодисалари натижасида жароҳатланиш ҳолларининг кескин қисқаришига ўзимизнинг муҳим ҳиссамизни қўшишимиз мумкиндир.

*Вячеслав ТУТИН,*
*Тошкент шаҳар Давлат автомобиль назорати бошқармаси тарғибот бўлими бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги.*

## ДАВР САДОСИ

*Барча манбалардан олинган сўнгги ахборотлар*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг бўлиб ўтган йиғилишида «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика атамашунослик қўмитаси томонидан ижро этилиши ҳамда ҳуқуқшуносликка оид ўзлашма атамалар ҳақидаги масалалар муҳокама этилди.

• Шўртан-газ кимё мажмуи қурилиши штабида мазкур комплекс қурилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика идоралараро комиссиясининг йиғилиши бўлди.

• Тошкент Давлат университетида «Ўзбек халқ маънавиятининг жаҳон маданияти тараққиётида тутган ўрни ва миллий кадрлар тайёрлашдаги аҳамияти» мавзуида илмий-назарий конференция ўтказилди.

• Термизда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Конрад Аденауэр фонди, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази «Демократик ва ҳуқуқий давлат» мавзуида семинар ўтказди.

• Тошкентлик бир гуруҳ шифокорлар Қизилқумга бордилар. Пойтахтлик шифокорлар ўн кун мобайнида икки юзга яқин беморни кўздан кечирдилар.

• Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг олти йиллиги арафасида Нукусда фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий тарбиясига бағишланган семинар-кенгаш ўтказилди.

• **Кеча** республикамиз геологлари ўзларининг касб байрамлари — Геологлар кунини нишонладилар. Тошкентда ана шу воқеага бағишланиб тантанали йиғилиш ўтказилди.

• Ўтган шанба куни Тошкентда стоматологларнинг халқаро семинари бўлиб ўтди.

• Бу йил ўзбекистонлик тўрт мингга яқин кишиларимиз муқаддас Ҳаж ибодатига бордилар. Юртдошларимиздан иборат 700 кишилик дастлабки гуруҳ она Ватанларига эсон-омон қайтиб келдилар.

• Тошкент вилоятининг Юқоричирчиқ туманидаги Бордонкўл қўрғонида замонавий ускуналар билан жиҳозланган янги шифо маскани очилди. 44 миллион сўм қийматидаги ушбу совғани «Интерсаноатбизнес» корпорацияси директорлари Кенгашининг раиси Владимир Штейнберг ўз ҳамқишлоқларига туҳфа этди.

• **Бугун** Тошкентда Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳузурида ташкил қилинган «Маҳалла зиёси» республика маҳалла оқсоқолларининг малакасини ошириш республика ўқув-услубий марказининг тақдимот маросими ўтказилди.

• **Кеча** Термизда буюк бобомиз Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган анъанавий IV халқаро кураш турнири ниҳоясига етди. Унда сурхондарёлик Маҳтумқули Маҳмудов «Тико» автомашинаси совринига, қашқадарёлик Баҳром Авазов «Дамас» автомашинаси совринига эга бўлдилар ҳамда Осиё чемпиони деган юксак унвонга эришдилар. Сурхондарёлик Эрали Маҳмарасулов билан Тоштемир Муҳаммадиев ўртасида ўтказилган финал баҳси қизғин курашлар остида кечди. Унда Тоштемир Муҳаммадиев ғалаба қозониб, Республикамиз Президентининг совғаси — «Нексия» автомашинаси билан тақдирланди. Унга Осиё чемпиони деган юксак унвон берилди.

• **Эртага** Чилонзор тумани халқ таълими бўлими Оперетта театри биносида Чилонзор тумани мактаблари ўқувчилари ўртасида «Қўшиқ байрами» кўрик-танловини ўтказади.

### ЖАҲОНДА

• Пекинда «В. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат акциядорлик жамияти билан фуқаро авиацияси учун импорт ва экспортга самолётлар ҳамда жиҳозлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган Хитой савдо компанияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги узоқ муддатли Битим имзоланди.

• **Бугун** Миср Араб Республикаси Президенти Муҳаммад Ҳусни Муборак уч кунлик давлат ташрифи билан Хитойга жўнайди.

• **Кеча** Венгрия халқи ўзининг миллий байрами — Озодлик кунини нишонлади.

• Хитой Халқ Республикаси раҳбари Цзян Цзэминнинг Европа давлатлари — Италия, Швейцария, Австрия бўйлаб қилган сафари ниҳоясига етди.

• Аргентина Президенти Карлос Менем Италияга сафар қилди.

• Россия Федерацияси Президенти Борис Ельциннинг Фармонига кўра Юрий Скуратов Бош прокурорлик лавозимидан четлаштирилди. Юрий Скуратовга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

• Санкт-Петербургда МДҲга аъзо мамлакатлар Парламентлараро ассамблеясининг 13-ялпи мажлиси бўлди. Унда Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳудудида жиноятчиликка қарши курашнинг ҳуқуқий таъминоти, экологик хавфсизлик ва бошқа масалалар муҳокама этилди.

• **Кеча** эрталаб узоқ давом этган касалликдан сўнг Қирғизистон Бош вазири Жумабек Ибрагимов вафот этди. Бош вазир лавозимига Ўш вилоятининг ҳозирги губернатори Омонгелди Мараимовнинг номзодини таклиф этиш кутилмоқда.

• Замбиянинг собиқ президенти Кеннет Каундуга суиқасд уюштирилди. Беш кишидан иборат террорчилар К. Каундуга қарашли «Тойота» автомобилини ўққа тутган. Бахтли тасодиф туфайли собиқ президент бу пайтда машинада бўлмаган.

• Ҳиндистон қуролли кучларини 225 та янги «Т-90С» танклари билан қувватлантиришга қарор қилинди. Бу танклар Россиядан сотиб олинади.

• **Кеча** Москвада, Федерал хавфсизлик хизмати биноси яқинида кучли портлаш рўй берди. Бир киши жароҳатланди, яна бир киши енгил шикастланди. Жиноятчиларни қидириш ишлари олиб борилмоқда.

• Россия чегарачиларининг «МИ-8» вертолёти Тожикистонда ҳалокатга учради. Вертолёт бортида Россия чегара қўшинларининг Тожикистондаги гуруҳи Марказий бошқармасининг олий тоифадаги офицерлари бор эди. Экипаж ва йўловчилар, ҳаммаси бўлиб 18 киши ҳалок бўлди. Вертолётни Панж дарёсидан кўтариб олиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

• **Кеча** НАТО авиацияси Белградга навбатдаги ҳаво зарбаларини берди.

• Шанба куни Албания пойтахти яқинида иккита ракета портлади. Ҳалок бўлганлар ва вайронагарчиликлар бўлмади. Ҳар иккала ракета НАТО самолётлари орқали чиқарилган эди, бироқ хатолик туфайли Албания ҳудудига ўтиб, Тиранага яқин бўлган жойда портлаб кетди.

• Тошкентлик режиссёр Мелис Абзаловнинг «Ўткан кунлар» фильми Санкт-Петербург яқинидаги Гатчин шаҳрида ўтказилган кинофестивалда махсус соврин ва диплом билан тақдирланди.

• **Кеча** Японияда Дэвис кубоги учун Япония ва Ўзбекистон терма командалари ўртасидаги теннис турнири ниҳоясига етди. Унда ўзбекистонлик теннисчилар 3:2 ҳисобида ғалабага эришиб, жаҳон лигасидаги мусобақаларга йўлланма олдилар.

*Футбол*

## ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМПИЯЧИЛАРИНИНГ ЙИРИК ҒАЛАБАСИ

***2000 йилда Сиднейда ўтказиладиган Олимпиада ўйинлари эшик қоқмоқда. Жаҳоннинг барча қитъаларида Олимпиадага саралаш мусобақалари бошланиб кетди.***

Ўтган шанба куни «Пахтакор» стадионида Марказий Осиё саралаш гуруҳининг икки жамоаси — Ўзбекистон ва Қирғизистон олимпия терма командалари ўзаро куч синашишди. Терма жамоамиз таркибида ярим ҳимоячи Сайфуллин ўзининг ажойиб маҳорати билан ажралиб турди. Йигирма олтинчи дақиқада ўнг қанотдан бошланган чиройли ҳужумни ярим ҳимоячимиз Рашид Ғофуров ажойиб зарба билан ниҳоясига етказди. Биринчи бўлим 1:0 ҳисобида тугади.

Иккинчи бўлимда Анвар Бердиев ва Андрей Акопянц каби ҳужумкор, чаққон футболчиларнинг майдонга тушиши натижасида жамоамизнинг ҳужум чизиғи янада кучайди. Жумладан, ўйиннинг етмиш тўртинчи дақиқасида Акопянц чиқариб берган аниқ тўпдан унумли фойдаланган Бердиев икки ҳимоячини қувиб ўтиб дарвозабон билан яккама-якка чиқди ва иккинчи тўпни киритди. Ўйин охирларида эса Бердиев яна ўзини кўрсатди: унинг жарима майдончасидан туриб берган кучли зарбаси дарвоза тўсинига теккан ҳолда тўрга тушди. Шундай қилиб саралаш турнирининг дастлабки ўйини терма жамоамизнинг 3:0 ҳисобидаги йирик ғалабаси билан тугади.

Футболчиларимиз навбатдаги ўйинни 10 апрелда ўз майдонларида Тожикистон терма жамоасига қарши ўтказадилар.

*Дилшод ИСМОИЛОВ.*

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини аниқ йўналтирадиган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида»ги Фармони маҳаллаларга ўзини тиклаб олишга, маҳалла жамғармасига тушган маблағларни ўз ихтиёрига кўра сарфлаш имкониятини туғдиради.***

*Муносабат*

# ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ

Бу ерда гап маҳаллаларда яшовчи аҳоли томонидан коммунал-маиший хизмат ҳақларининг ўз вақтида тўланиши ҳақида боряпти. Яъни ҳар бир оила кўрсатилган коммунал-маиший хизматлари учун тўловларни оймаой юз фоиз тўлаган тақдирда тўлов миқдорининг йигирма фоизи, маҳалла аҳолисининг 75 фоизи ва ундан ортиғи тўлаган тақдирда 10 фоизи фуқаролар йиғини ихтиёрида қолади.

Яқинда Чилонзор туманидаги «Чилонзор» маҳалла қўмитаси идорасида бўлиб, маҳалла фаолларининг йиғилиши ҳам ҳукуматимиз ушбу қарорини кенг халқ оммасига тушунтиришга бағишланди.

— Коммунал-маиший хизмат ҳақларини ўз вақтида тўлаб боришнинг давлатимизга ҳам, маҳалламизга ҳам нафи катта, — деди йиғилишда сўз олиб маҳалла оқсоқоли Омонулла ҳожи Муталов. — Чунки мамлакатимиз хазинасига аҳоли томонидан тўланадиган тўловлар ўз вақтида келиб тушса, юртимиз иқтисодиёти ҳам шунчалик юксалиб халқимиз фаровонлиги ошиб бораверади. Бугунги кунга келиб маҳалламизда 100 дан ортиқ кам таъминланган оила истиқомат қилади. Бундан ташқари, 20 дан зиёд оила ўз боқувчисидан айрилган. Ёлғиз қарияларимиз ҳам бор. Шу боисдан ҳам маҳалла фуқаролар йиғинига катта масъулият юклатилган. Шу ойдан бошлаб кексайиб қолган, боқувчиси йўқ пенсионерларимизни рўзғорга керакли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни ўз зиммамизга олганмиз. Ҳомийларимизга ҳам раҳмат. Бу борада қўлларидан келган ёрдамларини, ўз ҳимматларини аяшмаяпти.

— Юртимизга Ислом Каримовдек одил, ҳамма учун бирдек қайғурадиган ва ўз халқининг фаровонлиги йўлида бор кучини аямаётган Президентимиз бошчилик қилаётганидан Яратганга шукроналар айтамиз, — дейди маҳалла фаоли, уруш қатнашчиси Шоилёс ака Шоалиев. — Шахсан Юртбошимиз ва ҳукуматимиз раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари туфайли маҳаллаларимиз кун сайин ободонлашиб, кўркамлашиб бормоқда. Бу ерда янги-янги маданий-маиший бинолар қад ростламоқда. Яқинда маҳалламизда бир гуруҳ саховатпеша инсонларнинг ёрдами билан бунёд этилган замонавий типдаги янги чойхона ҳам ана шундай ғамхўрликнинг ёрқин далилидир. Бундан ташқари, биз маҳалла фаоллари кексайиб қолган уруш қатнашчилари, кам таъминланган оилалар ва етим-есирларнинг ҳолидан тез-тез хабар олиб, ҳомийлар кўмагида уларни зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан бепул таъминлаб турамиз. Маҳалла жамғармаси ҳисобидан уларнинг ер солиғи, сув, газ, электр энергияси ва бошқа тўловларни ҳам тўлашни маҳалла қўмитаси ўз зиммасига олган. Шу боисдан маҳалламизда яшовчи ҳар бир оиланинг турмуши тобора яхшиланиб, иқтисоди мустаҳкамланиб бормоқда. Зеро, Президентимиз айтганларидек, «Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак». Юртбошимизнинг халқимизга кўрсатаётган ғамхўрлигидан беҳад мамнун бўлгани ҳолда унинг Ватанимиз равнақи йўлида олиб бораётган одилона сиёсатини қўллаб-қувватлаймиз.

*Исмоил ЗОИРОВ,*
*маҳалла фаоли.*

---

*Минбар*

# ЕТТИ ҚЎШНИНИНГ БОЛАСИ

***Давлатимиз раҳбари томонидан «Умид», «Камолот», «Соғлом авлод учун» нодавлат жамғарма тузилишининг қувватланиши улар томонидан ўқувчи ёшлар, талабалар ва ёш оилаларни ижтимоий ҳимоялашга, иқтидорли, ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилгандир. Шундай экан, маҳалла қўмиталари оилаларга нафақа пулларини бериш билан чекланиб қолмасдан, балки ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсон қилиб етиштириш, билимларини мустаҳкамлаш, онгини ўстириш учун муайян йўлларни қидиришлари лозим.***

Қабул қилинган қатор Фармон ва қарорларни тўғри ва оғишмай бажариш учун авваламбор маҳалла қўмиталари, оқсоқоллар кенгаши, хотин-қизлар кенгаши биргаликда келишиб иш юритишлари, ўзлари эса юқори даражали маданиятли, маънавияти ривожланган, ҳуқуқий билимлари етук бўлиб, ҳуқуқий нормаларни мазмунига ета оладиган ва уларни ҳаётга тадбиқ қила олишлари керак.

Пул маблағларини ҳар бир оилага ажратишда, олдин қурилган уй-жой ва олинган жиҳозларга эътибор бермай, ҳозирги кун шароитини назарга олиб, бола тарбияси учун нимани асосий ҳисоблаш кераклигини аниқлаш лозим бўлади.

Бунинг учун эса мактаб ёшидаги ўқувчилар сонини, ҳар бир оилада соғлиғи заиф бўлган болаларнинг бор-йўқлигини аниқлаш, шунингдек, оналар, айниқса ёш оналар соғлиғи, оилада болаларнинг маънавиятини бойитиш, онгини ўстириш, уни етук қилиб тарбиялаш учун шароитнинг мавжудлигини ва бошқа ҳолатларни ўрганиб чиқиб, хулоса чиқаришлари, шундан сўнггина уларга маҳалла томонидан ёрдам бериш турини ўйлаб топишлари лозим бўлади.

Президентимиз томонидан қўйилган талабларни ҳисобга олиб, ёш авлодни тарбиялашда, унинг маънавиятини бойитишга кўпроқ эътибор беришда қуйидаги таклифларни қилишни истардим. Аввало маҳалла ҳудудида жойлашган, ҳомийси бўлмаган маҳалла болаларни тарбияловчи боғчага ёрдам бериш, яъни шу билан бирга боғчада тарбияланувчи болалар оиласига ёрдам берган бўламиз, яъни бир йилда икки марта иложи борича кўпроқ суммада пул маблағини ажратишга эришиши, болалар боғчаси бу пулларни «Ғунча», «Гулхан» каби журналларга обуна қилдиришга, меҳнат машғулотларини ўтиш қуроллари — қалам, дафтар, бўёқ, турли рангли қоғозлар, пластилин каби нарсаларни сотиб олишга етарли даражада пул маблағи ажратиш ёки сотиб олиб беришга сарфлашлари керак. Шунингдек, мактаб ўқувчиларининг ножўя йўлларга кириб кетишларининг олдини олиш мақсадида уларни турли тўгаракларга жалб қилишга барча шароитларни яратиб бериш, бунинг учун олий ва маҳаллий органлардан барча шаҳар транспортларда мактаб ўқувчилари учун 1-11 синфгача бепул фойдаланишни йўлга қўйиш, йилига бир марта оиладаги мактаб ёшидаги болалар сонига қараб, уларни севимли газета ёки журналларига обуна қилиб ҳадя этиш, кам таъминланган оиладаги ўқувчилар сонига қараб, нисбатан ночор оилаларга ўқув қуролларини ҳадя этиш, оиладаги юқори синф ўқувчиларининг сонига қараб, уларга Амир Темур, Алишер Навоий, Улуғбек, Бобур каби улуғ алломаларимиз асарларини ҳадя қилишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки бу билан маҳаллада истиқомат қилувчи болаларнинг маънавиятини ошириш, уларнинг мустақил давлатимиз, қолаверса, алломаларимиз тарихига шу билимларини бойитишга маҳалла қўмиталари, хотин-қизлар кенгашлари ҳам ҳиссаларини қўшган бўлар эдилар.

Бу борада Президентимизнинг 1999 йил 13 январдаги «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида»ги Фармони жуда эътиборга сазовордир. Чунки бу йил Аёллар йили деб эълон қилинган бўлиб, аёлларнинг маънавиятини, маърифатини оширишда энг асосий таянч бўлади. Ушбу Фармонга асосан маҳалла қўмиталарининг ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқлари қонуний равишда янада кенгаяди. Энди улар ўз жамғармаларини мустақил ўз ихтиёри бўйича маҳаллада истиқомат қилувчи фуқароларининг турмушини ҳар томонлама яхшилаш учун сарф қиладилар.

Фармонда кўрсатилишича, коммунал хизматлар учун тўловларнинг белгиланган тушумлари 100 фоиз таъминланган тақдирда 20 фоизи, тушумларнинг 75 фоиздан кўпроғи таъминланганда эса фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига тушумларнинг 10 фоизи ажратилади. Бу билан олинган маблағдан маҳалла ҳудудида истиқомат қилувчи кам таъминланган оилаларга, ёлғиз яшовчи ота ёки оналарга, ногиронларга, ниҳоят кўп болали оилаларга турли йўсинда ёрдам бериш ҳуқуқи кўрсатилган.

Президентимиз бошлаб берган, ҳар йили бериладиган 1-синф ўқувчиларига ўқув қуроллари билан таъмин қилишлари, қолаверса барча оила аъзоларини хушнуд қилишлари, қўллаб-қувватлаб, ҳамма маҳалла қўмиталари, хотин-қизлар кенгашлари, оқсоқоллар кенгаши халқ маънавиятини оширишда юқорида кўрсатилган тадбирларни ўйлаб кўриб, ижобий хулоса чиқаришса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

*Раъно РАҲИМБЕКОВА,*
*юридик фанлари номзоди, доцент.*

---

*Тадбиркорлик*

# ХАРИДОР ДИДИГА МОС

***Пойтахтимизда хориж сармояларини жалб этиб ташкил қилинаётган қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар халқимиз дилига ва дидига мос келмоқда.***

Ана шундай маҳсулот тайёрлаётган тадбиркорлар сафига шаҳримизда фаолият кўрсатаётган «Тус-бюро» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасини киритиш мумкин. Бугунги бозор талабларини ўрганган ҳолда ишбилармонлик билан иш юритаётган ушбу жамоада юқори сифатли офис мебеллари ишлаб чиқарилади. Келгуси ойдан бошлаб мебелсозлар янги маҳсулот — офислар учун янги турдаги стул ҳамда креслолар тайёрлашни йўлга қўядилар.

— Бу ишни амалга оширишда бизга германиялик ҳамкорларимиз яқиндан кўмак берадилар, — дейди қўшма корхона бош директори Шуҳрат Шорустамов. — Улар бизни хом ашё ҳамда замонавий технология билан таъминлайдилар. Ўтган йилнинг апрелида иш бошлаган бўлсак, шу давр мобайнида 150 миллион сўмликдан ортиқ мебель маҳсулотлари тайёрладик. Фойда ҳам шунга яраша бўлди. Ўтган йилги асосий буюртмачиларимиз — республика валюта биржаси, божхона қўмитаси, солиқ коллежи бўлди ва шунингдек Самарқандда бунёд этилган «Ал-Бухорий» мажмуаси учун маҳсулотлар тайёрлаб бердик.

Шуни айтиш ўринлики, жамоада тайёрланаётган маҳсулотлар хорижники билан бемалол рақобатлаша олади. Шу боис ҳам айни кунларда уни жаҳон бозорига чиқариш учун илк қадамлар қўйилмоқда. Корхонада 100 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи фаолият кўрсатмоқда.

*Шарофат БАҲРОМОВА.*

---

*Маҳалланг — отанг, онанг*



# Жамият юраги, аҳиллик қўрғони

*Ибрат*

## ОҚИБАТЛИ ОИЛАЛАР

***Одамзот онгли ҳаёт бошлаган замонлардан бери аёлларга ихлос қўйиб, уни севиб, асраб, ардоқлаб келинади. Аёллар бундай эъзозга муносиб меҳрию оламшумул ишлари билан эъзозлидирлар.***

Афлотун, Искандар, Муҳаммад алайҳиссалом, Луқмони Ҳаким, буюк Амир Темурдек соҳибқиронни, Алишер Навоий ва Улуғбекни, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби фотиҳларни, Абу Али ибн Сино каби мутафаккирларни, қолаверса сиз ва бизларни ўз вужудида кўтариб турли офатлардан асраб, тўқсон тўққиз дардни тортиб дунёга келишимизга сабабчи бўлган ва тарбиялаб камолга етказган оналаримиздир. Бобокалонларимизнинг улуғлиги, оналаримизнинг покиза қалблари, меҳр-оқибатлари самарасидир.

Охирги пайғамбаримизга кўрсатган меҳр-оқибатлари, Сарой Мулк Хонимнинг ҳамма вақт, ҳатто жангу жадалларда ҳам Амир Темур ҳазратлари билан ҳамнафас бўлганликлари бизнинг маҳалла аёллари учун намуна бўлиб хизмат қилади, уларни руҳлантиради.

Ҳувайдо маҳалла фуқаролари орасида зиёлилар, педагоглар, профессор ва юқори савияли ўқимишли олимлар етарлича мавжуд. Маҳалла зиёлилари ҳар ойда маҳалла маслаҳатчилари, аёллар ўртасида тарбиявий масалалар бўйича суҳбатлар ўтказиб туришлари анъанага айланган. Бу ерда умр йўлдошига оқибат қилувчи, фарзандларини замон талаби асосида тарбиялаб вояга етказаётган аёлларимиз оз эмас. Масалан, маҳалламизнинг «Жаҳонаро» кўчасида истиқомат қилувчи Обидхўжа Ортиқхўжаев оиласи. Оила бекаси Ўлмасхон умр йўлдошининг ҳам, фарзандларининг ҳам елиб, югуриб хизматини қилади. 5 ўғил, бир қизнинг онаси, фарзандларни давлат ишига масъул этиб, бир-бирига оқибатли қилиб тарбиялай олган. Шу кўчада истиқомат қиладиган Назира онанинг фарзандлари ҳам аҳил, бир-бирига оқибатли. Оила бошлиғи Мирвоҳид ака бевақт ҳаётдан кўз юмгандан кейин Назира она фарзандларига ҳам оналик ҳам оталик қилиб ўстирди. Оилада 3 келин, 10 дан зиёд набиралар бирбири билан аҳил ва иноқ. Бу онанинг эрига ва фарзандларига оқибати самарасидир.

Ҳиромий кўчасида истиқомат қилувчи муаллима Насибахон ҳам умр йўлдошига, фарзандларига меҳр-оқибати ўзгаларга намуна бўладиган оналардан ҳисобланади. У таълим бераётган ўқувчилар билан олиб бораётган тадбирлари болаларни она Ватанга муҳаббат руҳида камолга етишида, оилада ота-она ва қўни-қўшниларга оқибат соҳасида ўз самарасини кўрсатмоқда. Ал-Хоразмий кўчасида истиқомат қилувчи Мирпўлат ҳожи билан унинг умр йўлдоши Муаттар ҳожиянинг оиласи фуқароларга ўз маданий муомалалари, меҳмон кутиш тартиб-қоидаларида ўрнак бўлиб келмоқдалар. Бу оилада тарбия топиб камолга етган 6 ўғил, 6 келин ва набиралар билан суҳбатлашсангиз ҳузур қиласиз.

*Олимжон НУРМАТОВ,*
*Ҳувайдо маҳалласи оқсоқоли,*
*Мироpтиқ МЎМИНОВ,*
*профессор.*

*Мулоҳаза*

## ЭСКИ НОМЛАР УНУТИЛМАСА

***Авваллари газеталарда шаҳримиздаги жой номлари тарихидан ҳикоя қилувчи мақолалар бериб борилларди. Улар ғаройиб маълумотларга бой бўлгани туфайли кўпчилик қизиқиб ўқирди. Сўнгги пайтда бундай мақолалар газета саҳифаларида кўринмай қолди. Ҳолбуки бугунги кунда шаҳримизда шундай маҳаллалар борки, уларнинг номлари нимани англатишини кўпчилик билмайди.***

Бизнинг Собир Раҳимов туманида «Ёв» номли маҳалла бўларди. Айтишларича Чингизхон лашкарбошиларидан бири Чиғатой бостириб келганида одамлар «ёв» деб бақирганча қочишган, шу сабаб бу жой «Ёв» деган ном олган экан. Бундан ташқари ана шу атрофларда «Қиркбелбоғ», «Молхарам», Ҳалимкўп ва бошқа эски номдаги маҳаллалар мавжуд. Тўғри, мустақиллик туфайли сўнгги пайтларда уларнинг айримларига янгича ном берилди. Лекин эски номини унутиб юбориш ҳам яхши эмас. Бугунги кунда ана шу маҳаллаларда жой номларининг келиб чиқиш тарихини яхши биладиган кекса инсонлар ҳанузгача истиқомат қилишади. Улар ҳаётлигида маҳаллаларнинг эски номи тарихи ҳақида маълумотлар олинса хайрли иш бўларди.

*Файзулла ИСАЕВ.*

*Покизалик*

## ҲАШАР — ҲАММАГА ЯРАШАР

***Чилонзор туманидаги 3-Чарх Камолон маҳалласида Аёллар йили ҳамда ўлкамизга кириб келган баҳор муносабати билан йиғилиш ўтказилди.***

Унда маҳалла фаоллари, маҳалла хотин-қизлар кенгаши аъзолари иштирок этдилар. Йиғилиш қатнашчилари ободонлаштириш ойлиги кунларида маҳаллани ҳашар йўли билан ободонлаштириш, ариқларни тозалаш ишларини амалга ошириш хусусида фикр билдирдилар.

— Ўлкамизга янгиланиш, уйғониш фасли кириб келди, — деди маҳалла оқсоқоли Бахтиёр Мақсудов. — Шу туфайли барчамиз бутун шаҳримиз бўйлаб ўтказилаётган кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш икки ойлигида фаол қатнашайлик. Ота-боболаримиз удуми бўлган ҳашар йўли билан маҳалламизнинг бундан ҳам обод ва ораста бўлишига эришишимиз турли юқумли хасталикларга чек қўйишимизда бош омил бўлади.

Шунингдек, маҳалла аҳолиси, айниқса ёш болалар орасида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга ҳам катта эътибор бермоқ лозимлиги ҳақида ҳам куюнчаклик билан таъкидланиб ўтилди.

*Турсунпўлат ПИРМАТОВ,*
*уруш ногирони.*

***Табиатга ярашгулик ишларни ўз вақтида бекаму кўст бажариш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.***

*Баҳор юмушлари*

## ЯХШИ НИЯТ БИЛАН

Шаҳримиз аҳолиси ҳам ниҳоллар ўтқазиш ишларини жадал суръатларда бажаришиб, кўча ва хиёбонларни, ҳовлиларини янги нав-ниҳоллар билан тўлдирдилар. Кўп қаватли уйларда яшовчи маҳаллалар аҳолиси ҳам қурилиш чиқиндилари қоришиб кетган ташландиқ жойларни тартибга келтириб, мевали ва манзарали дарахтлар ўтқазмоқдалар. Бундан 2-3 йил олдин ўтқазилган ниҳоллар эса ҳосилга кирди. Терак қаламчалари бўй чўзмоқда.

Ана шундай янги ниҳоллар ўтқазиш ишлари Шайхонтоҳур туманининг «Марказ-15» мавзесида жойлашган «Жанггоҳ» маҳалласи оқсоқоли Мансур Ҳамидов раҳбарлигида кўп қаватли уйларда яшовчи аҳолилар томонидан қизғин бажарилмоқда. Коммунал хизмат бўлими, 7-уй-жойлардан фойдаланиш бошқармасида жойлашган тўққиз қаватли 11-уй ҳам ўша маҳаллага қарашли бўлиб, бу уй олди ва орқасидаги ташландиқ жойларга Раззоқ Қаюмов, Олимжон Қосимов, Баҳром Муҳаммадқулов ва бошқалар бундан 3 йил олдин мевали дарахтлар эккан эдилар. Бу дарахтларнинг айримлари ҳосилга кирди. Бу йил ҳам яна талайгина ниҳоллар ва терак қаламчалари ўтқазилди. Ҳозирда ўтган йил экилган олма, ўрик, шафтоли гуллади. Теракларнинг янгилари ҳам ўсмоқда.

Ҳа, яхши ниятлар, умид билан суқилган таёқ бир кун берар ҳосилу япроқ.

*Абдулла ТОЛИПОВ.*



*Шаҳримиз маҳаллаларида аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш ишлари мунтазам давом этмоқда. Жумладан, Акмал Икромов туманининг «Ватан» маҳалласида бу ишлар адолат тамойиллари асосида йўлга қўйилган.*

*СУРАТДА: маҳалла оқсоқоли Озод Ризаев аҳоли вакиллари Александра Калашникова ҳамда Шарифа Абдуқодировалар билан маслаҳатлашмоқда.*

*Засим Соколов олган сурат.*

---

*Саноат*

# БАНКРОТЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛСА БЎЛАДИМИ?

***Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида айрим йирик, кичик, қўшма корхоналар ва хусусий фирмаларнинг равнақ топиб ишлашлари бироз қийинлашмоқда. Улар ҳақида сўз юритилганда бир хил муаммо рўкач қилинади: хом ашё йўқ, четдан келтириш учун маблағ йўқ ва ҳоказо. Шундай вақтлар ҳам бўладики ички имкониятдан тўлиқ фойдаланиш мумкин, аммо ана шу имкониятни ўрганиб, ҳал қиладиганлар топилмайди. Мана шундай вақтда корхона раҳбари, иқтисодчиси ва ҳисобчиси ақл билан иш юритмоғи лозим. Агарда корхона банкротликка юз тутаётган бўлса унинг олдини олиш учун нималар қилиш керак, деган савол билан иқтисоди ночор корхоналар ишлари шаҳар бошқармасининг бошлиғи Абдулла Раҳматовга мурожаат этдик. У қуйидагиларни гапириб берди.***

— Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш корхоналарининг барчаси, унинг тизими қандай бўлишидан қатъий назар тўлиқ фаолият кўрсатаяпти, дея олмаймиз. Шунинг учун ҳам Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бошқармамиз ҳамкорлигида корхоналарни банкротлик ва санация масалалари бўйича комиссия қизғин иш олиб бормоқда. Комиссиянинг ўтган йилги иш якунларига назар ташлайдиган бўлсак 164 та корхона банкрот деб эълон қилинган эди. Улар орасидан 13 тасининг Устав фондида давлат улушлари бор. Қолганлари эса хусусий ва кичик корхоналар бўлиб, уларни тугатиш даражасига олиб келинган. Корхоналарни тугатиш ишига асосий сабаб раҳбарлар, муассислар ҳамда ҳисобчиларнинг ўз ишига нўноқлигидир. Мана шу масъулиятсизлик оқибатида корхоналар ночор аҳволга тушиб қолмоқда. Биз юқорида келтирган рақам ортида қанчадан қанча фуқаролар турганлигини ҳис этиб, жадал ишга киришдик. Натижада 164 та банкротга юз тутган, иқтисоди ночор корхоналардан йил давомида 23 таси тугатилди. Бу ишларнинг барчаси 1998 йил 5 майдаги ва 28 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни асосида амалга оширилмоқда. Мана шу Қонуннинг моҳияти Тошкент шаҳрида иқтисодий ночор корхоналарни аниқлаб ва уларнинг молиявий аҳволини тартибга солишда асосий дастур бўлаётир. Ташкил этилган комиссиянинг қарорига кўра айни вақтда 12 та корхона 1998 йил кўрсаткичига биноан иқтисодий ночор корхоналар деб топилди. Улар орасида «Ўзсувқурилиш» концернига қарашли 3 та корхона бор. Шунингдек, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясига қарашли «Қурувчи» — «МАК», «Сарват аср» ва «Афғонсавдотранс» қўшма корхоналари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Иш юритиш жараёнида корхоналарни банкротликка эълон қилишдан олдин, уларни санация қилиш масаласини ҳам кўрамиз. 1999 йилнинг ўтган уч ойи давомида кўриб чиқилган корхоналар ичида «Тошойна», «Ўзбекқоғоз», «Пойабзалчи» акционерлик жамиятлари, жами 8 та корхона рўйхатдан ўтказилди, 3 та корхона эса тугатилди.

Санацияга топширилган корхоналар ишини ўрганиш жараёнида биз асосан иқтисодий соғломлаштириш йўналишида иш кўрамиз. Яъни энг аввало корхонанинг нимага қодир эканлигини ўрганиб чиқиб, тегишли маслаҳат ва тавсияларни берамиз. Бўш жойлари бўлса қўшма корхоналар тузишга ҳамда ишлаб чиқариш тизимини бугунги кун талаби асосида ўзгартиришга имкон яратамиз. Буни мониторинг усулида ўрганиш ва ишлаш десак ҳам бўлади. Худди мана шу усулда иш юритиш ва иқтисодиётимизни ривожлантириш мақсадида туман мутасаддиларининг иштирокида ҳам ҳудудий комиссиялар тузилди. Айни вақтда улар ҳам иқтисодий ночор корхоналар ишини ўрганиб, сўнг банкротлик ва санацияга топшириш керак ёки кераксмаслиги хусусида ишлашмоқда. Агарда ҳар бир корхона муассиси, раҳбари ва ҳисобчиси ўз вақтида ютуқ ва камчиликларни аниқлаб иш кўрса, давлатга ҳам, ўзларига ҳам фойда бўлишига ҳеч шубҳа йўқ. Бу борада маслаҳат ёки бирор ёрдам керак бўлса бошқарма мутасаддилари хизматингизга ҳамиша тайёр.

*Гулзода МАМБЕТОВА.*

*Шаҳримизнинг қоқ ўртасидаги Бўзсув канали соҳили бўйлаб чўзилиб кетган Байналмилал кўчасидан ҳар гал ўтганимда кўча четида жойлашган муҳташам бино пештоқидаги ёзув диққатимни тортади: «Тоир Дадашев номидаги 128-мактаб». Ушбу лавҳага кўзим тушадию хаёлга толаман: «Шундай табаррук масканга номи берилган бу мўътабар инсон ким бўлди экан?»*

*Ана шу фикр оғушида юрган кезларимда хуштаъб, нафосатга мойил кишилар ширин суҳбат қуришаётган бир даврда Шукурулла исмли шоир билан танишиб қолдим. Тасодифни қарангки, бу истараси иссиқ йигит кимлигини билиш иштиёқи менга кўпдан бери ором бермай келаётган киши — Тоир отанинг тўнғич фарзанди экан. Мақсадимдан воқиф бўлгач у: «Марҳамат, ўзингизга қулай вақтда бир келинг, бамайлихотир суҳбатлашамиз», деб очиқкўнгиллик билан менга уйлари манзилини ёзиб бердилар...*

ТУРЛИ сабаблар билан кўплаб ҳовлиларда, хонадонларда бўлганман. Баъзан шундай бўладики, ҳовли ёки хонадоннинг остонасидан ичкарига киришинг биланоқ у ердаги батартибликни кўриб унинг соҳиби бутун қиёфаси билан кўз олдингда намоён бўлади-қўяди. Тоир ота яшаб ўтган ҳовлига қадам қўйишим биланоқ ана шундай туйғуни туйдим — ушбу хонадонда нозик таъбли, саранжом-саришталикни хуш кўрадиган, камтар инсонлар истиқомат қилишини дилдан ҳис этдим: чоғроқ ҳовли мўъжазгина оромгоҳни эслатарди. Эндигина шўралай бошлаган беҳисоб ток новдалари сўриларга дид билан қирқ кокилдек тараб қўйилган. Бетон ётқизилган топ-тоза, текис йўлкалар четидаги анвойи гуллар, қийғос гуллаган мевали дарахтлар кўзни қувонтиради... Хуллас, ҳовлида ҳамма нарса батартиб, жой-жойида. Ҳовлининг чор атрофида қад кўтарган олди айвонли уйларда ҳам ортиқча ҳашамдорлик йўқ. Барчасида оддийлик, соддалик, озодалик, юксак дид, файз-тароват ҳукмрон. Шукурулла аканинг таъкидлашича, буларнинг ҳамма-ҳаммасида раҳматли оталарининг назари, қадоқ қўлларининг излари бор...

* * *

Умрининг етмиш иккинчи баҳорини қаршилаётган, Тоир отанинг умр йўлдоши, пиру бадавлат — Ақида она ўзларининг устоз ҳақидаги хотираларини «Фариштадек инсон эдилар» дея қисқа, лекин юрак қаъридан отилиб чиққан, бир олам маънога эга ибора билан ифодаладилар. Ушбу иборада Ақида онанинг тўрт ўғилу тўрт қизни ҳалол меҳнат нони билан биргаликда улғайтиришган устозга бўлган улкан, мусаффо инсоний муҳаббатлари, шундай инсон билан тақдирини боғлаган толеидан беҳад миннатдорлик, ота изидан боришиб ҳалоллик, поклик билан эл-юрт фаровонлигига камтарона улуш қўшиб келишаётган фарзандларидан мамнунлик туйғуси мужассамлашганди.

Ушбу ажойиб фазилатли инсонлар билан узоқ давом этган суҳбатимиз ниҳоясида Шукурулла ака мени Тоир отанинг ижодхонаси билан таништирдилар.

Устоз тўғрисида нашр этилган рисолалар, газеталарда чиққан мақолалар билан танишар эканман, қўлимдаги бир хотира китобида шу идорада 1962 йилдан бошлаб ўн икки йил давомида шаҳар халқ таълими бўлими мудири бўлиб ишлаган Тоир ака Дадашев тўғрисида ёзилган қуйидаги фикрлар хотирамда ўрнашиб қолди: «Шаҳар халқ таълими бўлимини кўп йиллар мобайнида ажойиб инсон, зиёли инсон намунаси, ўз лавозимига ғоят муносиб мутахассис Тоир Дадашевич Дадашев бошқарди».

Назаримда, қисқа, бироқ катта ҳурмат, самимият уфуриб турган ушбу сўзларда устозни таниган, билган жуда кўплаб кишиларнинг, устоз шогирдларининг Тоир ота ҳақидаги фикр-мулоҳазалари мухтасар шаклда акс этганди.

Тоир отага берилган бир қатор орден ва медалларга, «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» нишонига, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвонига оид ҳужжатлар, ўнлаб фахрий ёрлиқлар эса ушбу заҳматкаш инсоннинг сидқидилдан қилган кўп йиллик хизматларининг ҳаққоний эътирофи эди.

Ҳа, инсондан ўта фидойиликни, ҳалолликни, садоқатни, инсонларга нисбатан улкан меҳр-муҳаббатни, пухта, серқирра билим ва тажрибани, эл-юрт дарди билан ёниб яшашни талаб қиладиган таълим соҳасида бундай ибратли фаолият йўлини босиб ўтиш, бундай муносиб иззат-ҳурматга, эътирофга сазовор бўлиш ҳар қандай таъзим ва таҳсинга лойиқдир.

* * *

*Инсон хотираси — муқаддас туйғу*

# МАЪРИФАТ ЙЎЛИДА КЕЧДИ ҲАР ОНИМ...



Шоир мени бошлаб кирган кенг, файзли хонада салкам йигирма чоғли меҳмонга мўлжалланган дастурхон камтарона ясатиғлиқ эди. Хонадон соҳиби ҳайрон бўлганимни сездилар шекилли, Тоир ота хотирасига тиловат қилиб, ҳол-аҳвол сўрашиб олганимиздан сўнг изоҳ бердилар:

— Ўзбекона айтганда, бsimilar, қайнонангиз суяр эканлар. Оилавий анъанамизга кўра ҳар йили Наврўз байрами кунида барча ака-укалар, опа-сингиллар, қариндош-уруғлар мана шу ота ҳовлимизга йиғилишиб баҳор байрамини нишонлаймиз. Мустақил юртимиз баҳорини кўриш бахти насиб қилмаган, лекин шундай кунлар албатта келишига астойдил ишонч билан яшаб ўтган раҳматли отамизни хотирлаймиз...

Дарҳақиқат, орадан кўп вақт ўтмай, Тоир отанинг барча фарзандлари, кўплаб қариндошлари байрам дастурхони атрофида жамулжам бўлишди. Чеҳрасидан ақл-заковат, барча хатти-ҳаракатларидан меҳрибонлик, самимият нури ёғилиб турган хонадон соҳибаси, Тоир отанинг умр йўлдоши — Ақида онанинг тиловатларидан сўнг бир дақиқа сукут сақлаб марҳум ота хотираси ёдга олинди.

Шу куни даврада бўлиб ўтган меҳр-оқибат, эл-юрт хизматига камарбасталик, илм-маърифатга фидойилик, болаларга меҳрибонлик туйғуларига йўғрилган самимий суҳбат Тоир отанинг сермазмун, покиза умрини кўз олдимда қайта жонлантирди. Устознинг бири-биридан одобли, кўҳли ўттиз чоғли ширин-шакар набиралари, чевaralари ота-она меҳрини, фарзандлар бурчини, садоқатни, она юртга муҳаббатни тараннум этувчи шеърлар ўқишди, қўшиқлар куйлашди, товусдай товланишиб, ҳовлини тўлдиришиб рақсга тушишди..

Фарзандларнинг, келинларнинг ўзлари учун ҳам ота, ҳам устоз ҳисоблашадиган Тоир ота ҳақидаги дил сўзлари бутун умрини ёш авлодга таълим-тарбия беришдек эзгу ишга бағишлаган маърифатпарвар инсоннинг нурли сиймосини кўз ўнгимда гавдалантирди.

* * *

Ота изидан боришиб, ўқитувчилик касбини улуғлаб келишаётган оила аъзолари фикрини ифодалаган Шоирахоннинг хотиралари ўз падари бузрукворига бўлган фарзандлик меҳрига, отадан фахрланиш ҳиссига тўлиқ эди:

— Адамлар умрининг қирқ йилини ўқитувчиликка бағишладилар. Шундан ўттиз йили давомида маориф соҳасида раҳбарлик лавозимларида ишладилар. Назаримда адамиз айнан шу касб учун туғилган инсон эдилар. Мен ўз касбига садоқатни, фидойиликни, унга доғ туширмасликни улардан ўрганганман. Адамлар оддий ўқитувчи, мактаб илмий бўлим мудири, директори, туман, шаҳар халқ таълими бўлими мудири лавозимларида ишлаб шу соҳадаги барча босқичларда жонкуярлик билан меҳнат қилдилар. Раҳбарлик лавозимларида хизмат қилган йилларида улар ташкилотчилик, муаллимларга ғамхўрлик, мактабларнинг моддий аҳволи тўғрисида қайғуриш, таълим-тарбия савиясини муттасил кўтариш учун тинимсиз изланиш каби ноёб хислатлари билан катта обрў-эътибор қозондилар.

Боғчада кўп йиллардан буён тарбиячи бўлиб хизмат қилаётган Шоҳистахон болаларга бўлган меҳр-муҳаббат ўзига адаси — Тоир отадан юққанлигини кўплаб таъсирчан мисоллар келтириб тўлқинланиб тилга олди.

Отанинг ўғиллари: умумий овқатланиш соҳаси ходими — Зикирилла, савдо бўйича иқтисодчи — Шуҳрат, болалар шифокори — Шавкатжонлар отанинг меҳнатсеварлиги, ҳалоллиги, одамларга оқибати, кексаларга иззат-ҳурмати, одамохунлиги каби фазилатларини, маҳалладаги ҳурмат-эътиборини ёдга олишди.

Муаллима Каримахон Тоир отанинг барча келинларини ҳам ўз фарзандидек кўрганлиги, ширинсуханлиги, ўзларининг шундай хонадонга келин бўлганликларидан мамнун эканликлари ҳақида тўлиб-тошиб гапириб, оиладаги барча келинлар фикрини ифодалади.

Тўнғич набира —Азизжоннинг «Мактабда, шаҳар кўчаларида, транспортларда юрганимда, маҳаллаларда бўлганимда дадамиз тўғрисида тез-тез айтиладиган «Қани энди ҳамма ўқитувчи ҳам раҳматлик Тоир акадек бўлса» деган баҳони эшитганимда шундай инсоннинг зурриёди эканлигимдан фахрланиб кетаман, албатта уларга муносиб невара бўлишга ҳаракат қиламан», деган сўзлари суҳбатдошларнинг кўзини ёшлантирди.

Тоир отанинг қимматли маслаҳатларидан баҳраманд бўлган кўплаб шогирдлари бугунги кунда республикамизнинг турли илм даргоҳларида устознинг эзгу ишларини муваффақият билан давом эттиришмоқда. Шулардан бири — Чилонзор тумани халқ таълими бўлимининг мудири Абдумалик ака Абдуолимов билан бўлган суҳбатда эшитганларим устоз шогирдларининг ундан миннатдорлик туйғулари ифодаси эди:

— Устоздаги талабчанлик, ҳалоллик, касбга садоқат каби фазилатлар мен сингари шогирдлари учун бир умрга дастуруламал бўлиб қолди. Ҳали ҳам ёдимда: устоз ўқитувчи бўлишимга қарамай, катта ишонч билдириб мени шаҳардаги 201-мактабга илмий бўлим мудири, кейинчалик директорлик лавозимига тавсия қилганлар. Мана, ўттиз йилдан кўпроқ вақтдан буён устоз ўгитларига содиқ қолиб уларнинг ишончини оқлашга ҳаракат қилиб келяпман. Устознинг номи билан аталувчи мактабда бўлганимда ҳар гал уларнинг нур ёғилиб турган сиймоларига қайта-қайта таъзим қиламан. Айни кунларда шу мактабда устоз музейини ташкил қиляпмиз...

* * *

Мана, ўн йилдирки, бутун умрини мурғак қалбларни маърифат зиёсидан баҳраманд қилишдек олижаноб, энг савобли ишга бахшида этган, бағри кенг, мурувватпеша инсон — Тоир ота жисман орамизда йўқ. Ҳа, фақат жисмангина, орамизда йўқ. Суҳбатдошларим айтганларидан маълум бўлишича, Тоир ота фақат ёшларни илм булоғидан баҳраманд этиш билан чекланибгина қолмай, ўз соҳасида янгиликлар яратиш учун, ўзи ишлаган йиллардаёқ миллий тилимизни улуғлаш учун, таълим соҳасида лоқайдлик, ноҳалоллик каби ярамас иллатларни йўқотиш учун курашганлар. Лекин бундай ташаббускорликни ҳар хил баҳоналар билан бўғиш, каби иллатлар турғунлик йилларида чуқур илдиз отган эди...

Шукрлар бўлсинки, Юртбошимиз раҳбарлигидаги саъй-ҳаракатлар туфайли балқиб чиққан мустақиллик қуёши шарофати билан юртимизда Тоир ота орзу қилган саодатли кунларнинг саккизинчи баҳори насими эсмоқда: тилимиз ўз ўрнини эгаллади, таълим соҳасида қонун қабул қилинди, кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастуримиз яратилди. Уларни рўёбга чиқаришда эса устознинг минглаб шогирдлари ҳам бел боғлаб хизмат қилишмоқда. Демак, Тоир ота ҳам маънан доимо сафимиздадирлар.

* * *

Олтмиш тўрт йил ибратли умр кечирган устоз қабрини отанинг комил, иқтидорли фарзанди, ўзининг фарзандлик бурчини, падарига садоқатини қатор шеърий рисолаларидаги пурмаъно мисраларда ифодалаган Шукурулла ака билан бирга зиёрат қилар эканман, қабрга ўрнатилган Тоир ота бюсти пойидаги устознинг шоир ўғли мисраларга муҳрлаган қалб нидосини ўқийман:

*Халқ учун бахш этдим бир умр жоним,*
*Маърифат йўлида кечди ҳар оним.*
*Яхшилик шиорин жойладим дилга,*
*Эл ичра қолсин деб камтарин номим.*

Дарҳақиқат, Тоир ота бутун умри бўйи эл-юртга сидқидилдан хизмат қилган, мусаффо қалбларга маърифат зиёсини сингдирган, инсонларга баҳоли қудрат яхшилик қилган, шулар билан маърифат бўстонида ўзига мангу ҳайкал ўрнатиб кетган инсондир. Йўлбошчимизнинг шу йилдан бошлаб «9 Майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиш тўғрисида»ги Фармонлари ҳам Тоир отадек фидойи инсонлар руҳини шод этишга, келажак авлодларимизни юксак маънавиятли, инсонпарвар, олижаноб кишилар қилиб тарбиялашга хизмат қилади. Зеро, куни кеча Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг саъй-ҳаракатлари билан шаҳримизнинг Бобур номи билан аталувчи боғ яқинидаги файзли «Табассум» қаҳвахонасида Тоир ака Дадашев таваллудининг 75 йиллигига бағишлаб ўтказилган хотира тадбирига келганларнинг ҳаммаси Тоир ота сингари фидойи устозлар дилларга жо этган илм зиёси мустақил юртимизнинг истиқбол йўлини ёритиб, йиллар оша эзгуликка хизмат қилаверишига яна бир бор иймон келтирдилар.

*Юсуф МУҚИМБОЕВ,*
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.*



*Китобсевар дугоналар.*

*Равиль Альбеков олган сурат.*

*Ўзбекистонда механика фани ривожи саноат ишлаб чиқаришига ҳам бевосита хизмат қилмоқда. Бундай илмий-техникавий самарадорликка эришишда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлилиги институти лаборатория ва тажриба-синов майдончаларида амалга оширилаётган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.*

*Фан*

# ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

— Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришга тежамли технологиялар механизациялашган рақобатбардош техник ускуналар яратиш борасида ҳам кўп иш қилинмоқда, — дейди институт директори Анвар Ризаев. — Шу изланишлар натижаси ўлароқ кўндаланг шпинделли аппарат ишчи таркибидаги шпинделларнинг ғўза туридаги кўсак, чаноқдаги пахта ва толага динамик таъсир қилиш модели яратилди. Бу эса пахта териш машиналарининг конструкциявий ишончлигини ошириш имконини беради.

Айни бир вақтда трактор рул бошқаруви қисми ишчанлигига таъсир этувчи агротехник, техник-иқтисодий кўрсаткичлар ҳам аниқланди. Мутахассисларимиз пахтани йирик ҳас-чўплардан тозалаш машинаси ишчи қисмларини ўрнатиш билан боғлиқ техник янгиликлар устида ҳам жиддий изланмоқдалар. Бундай усул пахтани тозалаш жараёни самарадорлигини 20 фоизга оширади ҳамда хом ашё таркибида чиқиндига кетадиган толаларни кўплаб тежаш имконини беради.

«ХНП-1-8А» русумли пахта териш машиналари пневмотранспортининг айрим қисмларини динамик ҳисоблаш усули ҳам яратилмоқда. Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи билан ҳамкорликда амалга оширилаётган бу жараён пахта териш машиналарининг конструкциявий ишончлилигини оширади ва соддалаштиради. Шунингдек, уларнинг таъмирлашга яроқлилиги осон аниқланади.

Мазкур корхона буюртмаси бўйича пахта териш машинаси бункери ва кўтариш механизми параметрларини яхшилашга қаратилган изланиш эса агрегатнинг ишончлилигини ва бункер сиғимини оширишга ёрдам беради.

Олимларнинг бу соҳада олиб бораётган тадқиқотлари дарслик ва ўқув қўлланмаларининг юзага келиши учун пухта илмий замин бўлаётганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. «Машина деталларини тиклаш технологияси», «Механизмлар кинематикаси ва динамикасини ўрганиш» деб номланган янги адабиётлар яратилдики, улар ўқув жараёнларига татбиқ қилинди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Радиус» дастури бўйича ҳам янги лойиҳалар яратилмоқда. «Тошкент шаҳри учун сейсмик хавфни баҳолаш ва камайтириш» деб номланган илмий лойиҳа эса ўзининг истиқболли эканлигини кўрсатди. Пойтахтимизнинг сув, газ, иссиқлик таъминоти ва канализациясининг техник кўрсаткичлари аниқланди ҳамда улар фойдаланиш муддатларига кўра гуруҳларга ажратилди. Тошкент шаҳрида турли мақсад учун ўрнатилган ер ости қувурларининг мумкин бўлган ер қимирлашида боғлиқ солиштирма ҳолатлари аниқланди. Бу борадаги турли ҳисоблашнинг алгоритмик ва дастурлари ишлаб чиқилдики, улар «сесмик ҳудудларда қурилиш»га иловалар тузиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Институт илмий жамоаси қаттиқ жисм, машина ва механизмлар, сув, газ ва кўп фазали муҳитлар механикаси бўйича ҳам жиддий изланишларга қўл урди.

*Акбар АЛИЕВ.*

**Шарқ дурдоналари**

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● ҲИКМАТ. Бузургмеҳрдан: «Дунёда инсон учун қидирса топилмайдиган нарса нима?» — деб сўрайдилар. У «Ақл», — деб жавоб берди. Яна сўрабдилар: «Ақлнинг қадри нима?». У айтди: «Инсонда ақл бўлмаса одамлар уни қадрлармиди!» Байт:

*Билим дарёсининг гавҳари ақл.*
*Оз бўлса ҳам ундан етар кўп фойда!*

● Одамларга ҳурмат кўзи билан боқмоқ ва раҳм кўзи билан қарамоқ ақллилик ва донолик белгисидир.

*Яхши назар билан қара ҳар кимга,*
*Либоси чиройли ё хунук дема!*

● Ақл либосидан бебаҳра одам ҳайвон билан тенг. Байт:

*Нодон хато қилса раводир унга,*
*Чунки у ҳақиқий йўлни билмайди.*
*Ҳайвондан минг марта ёмонроқ ҳар ким,*
*Йўлни билиб унга амал қилмайди!*

***Муиниддин ЖУВАЙНИЙ.***

● Луқмони ҳаким айтади:

— Киши ақли шараф ва улуғлик асосидир! Кимнинг ақли кўп бўлса айблари яширин ва дўстлари эса ундан рози бўлади.

● Халифа Мансур ўз ўғлига деди:

— Эй, ўғлим, мендан икки нарса ўрган, бу нарсалар ҳаётингда керак бўлади. Биринчиси, шулки, нима иш қилсанг, аввал роса ўйла, кейин ҳукм чиқар. Иккинчиси шулки, нима ишга қўл урсанг, аввал уни йўлга сола оладиган ёки қувватини қайтара оладиган чора-тадбирини кўриб қўй!

Бир ҳакимнинг айтишича, яхши хулқнинг ўнта белгиси бор. Улар қуйидагилардир: ақл, инсоф, илм, ҳилм, олижаноблик, кўркам феъл, эҳсон, сабр, шукр ва мулойимлик.

● Арслон ўз қуввати ва шижоати билан овқат қилиб, кун кечиргани каби инсон ҳам қайда бўлмасин ўз ақли билан кун кечиради. Агар кишида молу дунё бўлса-ю ақл бўлмаса қадру қиммати ҳам бўлмайди.

Ақлнинг аломати камтарлик, аҳмоқликнинг белгиси эса такаббурликдир.

***«Фавоких ал-жуласо»дан.***

● Бузургмеҳрдан сўрадилар: «Одам учун энг бебаҳо нарса нима?» Айтди: «Ақл!» Яна сўрадилар: «У бўлмасам-чи? Айтди: «Одоб ва ахлоқ»! Сўрадилар: «У ҳам бўлмасачи?» Айтди: «Кўркам хулқ», Сўрадилар: «У ҳам бўлмасачи? Айтди: «Бойлик». Чунки бойлик билан яхшилик қилиб, ҳар турли тоифалар ичида тинч яшаш мумкин». Яна сўрадилар: «У ҳам бўлмасачи?» Айтди: Жимликни одат этиш, чунки жим туриш билан айблар очилмайди ва ўзгалар таънасини ва маломатини эшитмайди». Сўрадилар: «У ҳам бўлмасачи?» Айтди: «Чақмоқ ва яшин яхши, чунки юқоридаги шунча хислатлардан бирортаси бўлмаган одамнинг чақмоқ ва яшин ўти остида ўлгани маъқул!»

● Эй, азиз, билгинки, шижоат барча фазилатларнинг онасидир. Кимда шижоат бойлиги бўлса унда хилма хил фазилатлар бўлади. Шижоатли кишини барча яхши кўради. Шижоатли киши жангда ҳам душман дилига ваҳима солади, бошқаларни эса олға юришга илҳомлантиради. Шеър:

*Қуён юрак бўлса агар ҳар киши,*
*Жанг бўлса қочишни ўйлашдир иши!*
*Журъат камарини боғласанг ҳар дам,*
*Мардлар ичра бўлур сенинг номинг ҳам.*

***Абулбаракот ҚОДИРИЙ.***

● Азизим, беақл киши шундай кишики, жанг вақтида сулҳ тузишни истайди, тинчлик пайтида эса жанг қилишни хоҳлайди, қаҳрини сочиш лозим бўлган пайтда лутфу карам эшигини очади. У оқилларнинг мана бундай деганини билмайди:

*Бемаврид жангу сулҳ фойдасиз, зиён,*
*Гулга гул бўлгину тиконга тикон!*

Ёки:

*Тинчлик истасалар тинчликдан кечма,*
*Жангга талаб қилса юз буриб қочма!*

● Азизим, поклик бу шундай ҳислатки, шаҳват ўти ғолиб келганда унинг жиловини ғайрат билан қўлга олинади ва покиза этакни ҳаром ишлар лойи билан булғатилмайди!

***Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ.***

● Инсоннинг қўли қисқа бўлса тили узун бўлади. Мушукни кўрмайсанми, итдан ожиз келганда унинг юзига чанг солади.

Яхши одамнинг ғийбатчилари кўп бўлади:

*Жаҳонда бир қизиқ қоида юрар,*
*Бол тутган ҳар қўлга ари ниш урар.*
*Яна хазиналар бўлмас илонсиз,*
*Гуллар эса бўлмас асло тикансиз!*

● Ғазаб шундай бир оловки, у ўз соҳибини ёндиради.

Жавобнинг юмшоғи ғазабни сўндиради, сўзнинг қаттиғи одамни ўлдиради.

***«Аталар сўзлари»дан.***

● Эй, ўғил, ҳунарсиз, дангаса ва ишёқмас кишилар билан улфатчилик қилма, уларнинг таъсири сенга ҳам уради, дангасаларнинг доимий фикру ўйи ишламасдан катта ейиш, яхши кийинишдир. Улар беҳуда сўзлашни, вақтни хуш ўтказишни, танини семиртиришни ўйлайдилар. Семиз кишининг эса дил кўзи бекилган бўлади, доимо ором топишни ўйлайди, кўп еб семиришни ўйловчи кишиларни донолар «ҳайвон табиатли кишилар» дейдилар.

● Ўзгалардан тама билан нарса тиламоқ кишини танбалликка олиб келади, иззат-обрўни кеткизади, охири кишини бахтсизлик кўчасига олиб келади, кишини шармисор қилиб, назардан қолдиради. Дангаса ва пасткаш кишилар билан улфат бўлишнинг натижаси шулдир. Демак, сен қулоғингга қуйиб олки, паст ҳимматли кишилар ва хасис табиатли одамлардан узоқлашиш йўлини қидир, улар билан яқинлик қилма, уларнинг таъсири сенга урaди!

***Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ.***

*Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржималари.*

*Саховат*

# МЕҲРИ ДАРЁЛИК

*Орамизда меҳр-мурувватли ва саховатли инсонлар кўп. Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти Тошкент шаҳар бошқарувининг раиси Ш. Шофайзиев «Оқшом» таҳририятига қўнғироқ қилиб, саховатли ажойиб бир инсон ҳақида муштарийларга кичкинагина бўлса-да, лекин ибратомуз ишни етказишни илтимос қилди...*

Ҳа, Наврўз байрами ва қувонч билан нишонланган Ийд Қурбон ҳайити кунларида кўплаб мискин кишилар меҳри дарё инсонларнинг қалбидан баҳраманд бўлдилар. Шаҳримизнинг Украинская кўчасидаги 8-уйда истиқомат қилувчи З. Шодижонова ҳам ана шундай ажойиб ҳамшаҳарларимиздан ва саховатли қалб эгаларидан биридир. Улуғ айём кунларида З. Шодижонова хайрия мақсадида 150 дона тиббиёт тизимини Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти Тошкент шаҳар бошқарувига сидқидилдан топширди.

Ҳали биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бошқарув раиси Ш. Шофайзиевнинг «Оқшом» таҳририятига қўнғироқ қилганлигининг боиси З. Шодижоновага ва у орқали қалби дарё ва саховатли инсонларга ўз миннатдорчилигини изҳор этиш эди.

*(Ўз мухбиримиз).*



*Ҳаётимиз гуллари.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

Спорт • Спорт • Спорт

Умумшаҳар югуриш куни

# УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТДИ

***Илгари хабар берганимиздек, ўтган чоршанба куни шаҳримизнинг барча туманларида умумшаҳар югуриш тадбирлари бўлиб ўтди. Куни билан ҳавони булут босиб, ёмғир шивалаб турганига қарамай, умумшаҳар югуришида жуда кўплаб саломатлик ихлосмандлари иштирок этишди.***

Биз «Агрегат заводи» очиқ турдаги ишлаб чиқариш бирлашмаси спорт-соғломлаштириш мажмуасига борганимизда ўйингоҳнинг югурувчилар билан гавжумлигининг гувоҳи бўлдик. Ўйингоҳда қувноқ мусиқа садолари янграр, йиғилганлар учун ширинликлар савдоси ҳам ташкил этилганди. Шу куни бу ерга тумандаги Гуручариқ, Қорасарой, Мевазор, Олмазор, Мискин, Охунбобоев маҳаллалари аҳолиси, туман халқ таълими бўлими, санитария-эпидемиология станцияси, солиқ инспекцияси, «Камолот» жамғармаси, Ўзбекистон ХДП туман кенгаши, туман ҳудудий-тиббиёт бирлашмаси, туман ободонлаштириш бошқармаси, «Агрегат заводи» ОТАЖ, «Оникс» АЖнинг юздан ортиқ ходимлари, 233, 15, 24, 249-мактаб, 16-БЎСМ ўқувчилари келишди. Туманда югуриш куни қисқа масофаларга чопиш баҳслари тарзида ташкил этилди.

Дастлаб аёллар ўртасида 6 метрга югуриш бўйича мусобақалар ўтказилди. Унда 9,9 сония натижа билан «Булоқ» сув ҳавзасининг сузиш бўйича мураббийси Н. Латипова барча рақибларидан устун келди.

Эркаклар ўртасида эса 278-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси Валентин Ганниев 100 метр масофага югуриш баҳсида энг яхши натижа бўлган 13,2 сонияни кўрсатиб биринчи ўринни эгаллади.

— Шуниси қувонарлики, югуриш куни тадбирларини ўтказган сайин тобора оммавийликка эришиб боряпмиз, — деди биз билан суҳбатда туман ҳокими ўринбосари Ш. Пўлатов. — Чунончи, дастлабки югуришда беш киши, сўнгра 25 нафар, мана бугун юздан ортиқ кишилар ўз саломатликларини яхшилашга бел боғладилар. Биз югуриш ва маҳалла спорти кунларини ўтказиш учун тумандаги энг яхши спорт базаларимиз — Чиғатой спорт базаси, «Истиқлол» футбол майдони, учта сузиш ҳавзаси, еттита мактабнинг сара ўйингоҳлари, хуллас кўплаб ўйингоҳларни ажратдик. Кейинги чоршанбаларда тумандаги бошқа корхоналар, ташкилот, муассасаларни жалб этмоқчимиз, югуриш масофаларини оширмоқчимиз.

Биз тадбир давомида унинг қатнашчилари, ғолиблари, ён-атрофдаги маҳаллалар аҳолисининг фикрларини қоғозга туширдик.

**• Муҳаббат САРҒУБОЕВА, 234-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси:**

— Мактабимизда жисмоний тарбия яхши йўлга қўйилган. Баскетбол бўйича ўтган йили туманда 1, шаҳарда 3-ўринни олдик. Футбол, баскетбол тўгараклари мунтазам ишлаб турибди. Ҳар доим I ва IV чоракда енгил атлетика дарслари устун даражада ўтилади. Ҳар бир дарс мактаб стадиони, залида 1,2 давра югуриш билан бошланади.

Югуриш кунини ўтказиш тўғрисидаги қарорни қувонч билан қарши олдик. Чунки югуриш спортнинг энг юқори чўққиси. У инсонда чидамлилик, куч, матонатни ривожлантиради.

Бугунги тадбирга 4—11 синф ўқувчилари бўлган 14 та ўқувчини олиб келдик. Ҳар ҳафта мунтазам югуриш кунларида қатнашиб турмоқчимиз.

**• Дилором ИБРОҲИМОВА, туман марказий поликлиникасининг жарроҳлик бўлими ҳамшираси:**

— Югуришга ёшликдан қизиқаман. Мактаб пайтларида кўп чопардик. Бугунги тадбирда поликлиникамиздан икки киши қатнашяпмиз. Унга ишхонамиз атрофида югуриб тайёргарлик кўрдик. Ўзим Турккўрғон маҳалласида тураман. Вақт бўлганда эрталаблари югуриб тураман. Бир ярим йил таэквандо билан шуғулланганман, дам олиш кунлари футбол ўйнаб турамиз. Насиб этса кейинги тадбирда ҳам иштирок этмоқчиман.

**• Ноила ЛАТИПОВА, «Булоқ» сув ҳавзасининг мураббийси, югуриш кунининг аёллар ўртасида ғолиби:**

— Вақтим бор пайтда доимо югураман, сузаман, бадминтон ўйнайман, хуллас имкон бўлса мунтазам ҳаракатланишга интиламан. Югуриш бўйича яхши кўрган масофам — 60 метр. Кўпинча шу масофага чопаман. Умумшаҳар югуриш кунларининг ташкил этилиши эса нур устига аъло нур бўлди.

**• Мажид АБДУЛЛАЕВ, Қорасарой маҳалласи оқсоқоли:**

— Бугунги югуриш мусобақаларида маҳалламиздан ўн киши қатнашди ва Р. Абдурасулов иккинчи ўринни эгаллади. Умуман, маҳалламизда спортни ривожлантиришга ҳаракат қиляпмиз. Бунда собиқ жисмоний тарбия ўқитувчиси И. Абдурасуловнинг ташкилотчилик қобилияти ва жонкуярлиги қўл келмоқда. Болаларимиз 159-мактабнинг залида волейбол ва баскетбол ўйнашади, «Агрегат заводи» ўйингоҳида тўп суришади. Келгусида ҳам югуриш ва маҳалла спорти кунларида фаол қатнашмоқчимиз.

Бошқа туманларда ҳам югуриш куни қизиқарли ва файзли ўтди. Жумладан, Миробод туманидаги Фурқат боғида ўтказилган тадбирда олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, касб-ҳунар мактаблари, корхона, ташкилот ва муассасалар, болалар боғчаларидан 1200 га яқин киши қатнашди.

Унда ўсмир йигитлар — 1000 метр, қизлар 500 метр, ҳамширалар — 200 метрга югуришди. Барча тоифадаги ғолиб ва совриндорлар бўлмиш 19 кишига «Маҳалла», «Камолот» жамғармаларининг туман бўлимлари ва туман спорт қўмитаси томонидан ажратилган совғалар топширилди.

Яккасарой туманида «Тўқимачи» ўйингоҳи ва У. Носир кўчаси бўйлаб югуриш марафони ўтказилди. Унда туман ҳокимининг ижроия маҳкамаси, «Камолот», «Маҳалла» жамғармалари, туман тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар палатаси, тижорат техникуми, тўқимачилик ва енгил саноат институти талабалари — жами 133 киши иштирок этди. Ҳамза туманида «Авиасозлар» ўйингоҳида, Сирғали туманида У. Носир номли маданият ва истироҳат боғида, Юнусобод туманида «Олимпия шон-шуҳрати» музейи ва Ш. Рашидов кўчаси бўйлаб югуриш мусобақалари ташкил этилди. Бутун шаҳар бўйлаб эса 5725 киши югуриш кунида қатнашиб ўз соғлиқларини тиклашди.

Югуриш куни тадбирлари ой сайин кенгайиб, тобора кўпроқ кишиларни жалб этган ҳолда уюшқоқлик билан ўтишига эса шубҳа йўқ.

*Дилшод ИСРОИЛОВ.*

*СУРАТЛАРДА: «Агрегат» заводи ўйингоҳида ўтказилган югуриш кунидан лавҳалар.*

*Рашид Галиев олган суратлар.*





Наврўз нашидаси

Тадбирлар

# ОНАХОНЛАРГА ЭҲТИРОМ

***Яқинда Ҳамза туманидаги Янгиобод даҳаси, Миршарипов номли маҳалла байрамона тус олди.***

Абдулла Қодирий номли 198-мактаб ҳовлисига етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган меҳмонлар тўпланишди. Мунис ва меҳрибон оналаримизни, бувиларимизни бир пиёла чойга таклиф қилдик.

Маҳаллада ўтказилган йиғин Аёллар йилига бағишланди. Кечани маҳалла оқсоқоли Шермат Дўстмуҳамедов очди. Сўнг «Баҳор» рақс ансамбли яккахон хонандаси Абдуллажон Раҳимжонов табрик сўзи билан ва ўзининг хушовоз қўшиқлари билан кечанинг бадиий қисмини бошлаб берди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими Омонулла Бўриев йиғилганларни табриклаб, оналаримизга бағишлаб ёзган шеърларини ўқиб берди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Белоруссия ерларида қаҳрамонлик кўрсатиб, ҳалок бўлган Ғанитой Тошниёзовнинг синглиси, фронт ортида меҳнат қилган Бибиҳожар Саидалиева шу маҳаллада истиқомат қилади. Дарвоқе, қуролдошлари Ғанитой Тошниёзовни «Партизан Гриша» деб аташарди, унинг кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида белоруслар катта китоб чоп этишган ва кўп газеталар ўз саҳифаларида ёзиб чиққанлар.

Ана шу ҳамюртимизнинг синглиси фронт ортида меҳнат қилган Бибихожар аяни ҳамда Қутби ая Юсупова Александра Салова ва Бетя Глебколарни меҳмонларга яна бир бор таништирдилар.

Маҳалла оқсоқоли Шермат аканинг ташаббуси билан ташкил қилинган бу тадбир жуда қизиқ ўтди. Бу кечани ўтказишда маҳалла хотин-қизлар кенгаши раиси Мавжуда опа билан бирга ёшларимиз Салимахон, Шоирахон, Вазирахонлар фаоллик кўрсатишди.

*Турсунпўлат ҲОЛМУҲАМЕДОВ,*
*Ҳамза туманидаги Миршаропов номли маҳалла котиби.*



Назм

## ОФАРИН СЕНГА

*Қуёш чиқар, эркалаб дилим,*
*Шодлик тўла тинч ўтар куним.*
*Ватан меҳрин қалбда уйғотиб,*
*Кўз-кўз қилар кўзим ўйнатиб.*
*Дала, қирлар кўм-кўк либосда,*
*Жилваланиб турар ораста.*
*Мафтун қилиб дилни хушлайди,*
*Гўзаллигин қалбга жойлайди.*
*Мева шоҳи чечаклар тақиб,*
*Атрин пуркар барқ уриб балқиб.*
*Бол арилар ғужғон ўйнашиб,*
*Гул шарбатин сўради шошиб.*
*Дарахтларда куйлар қушчалар,*
*Мафтун қилар мени шунчалар.*
*О, офарин сенга, баҳоржон.*
*Жонзотларни уйғотиб бердинг,*
*Гулга буркаб оламни шу чоқ,*
*Ҳар бир жонга очасан қучоқ!*
*Сени кутдим орзиқиб ҳар кун,*
*Юлдузларга боқар эдим тун.*
*Илиқ шамол дарак берарди,*
*Тўлин ой ҳам, сочин тарарди.*
*Бодроқ сепиб кетдими шу тун,*
*Дов-дарахтни безабди бутун.*
*Лол қиласан келиб ҳар баҳор,*
*Куйлай сени мен, такрор-такрор.*

*Темур КАРИМОВ.*

«01»

# ҲАММАСИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

***1999 йилнинг ўтган даври мобайнида Мирзо Улуғбек туманида 36 та ёнғин содир бўлди.***

Ёнғинлар натижасида 1 киши ҳаётдан эрта кўз юмди. Ёнғинлардан кўрилган моддий зарар 330.000 сўмни ташкил этди. Келиб чиқаётган ёнғинларнинг аксарияти оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш ва газ асбобларидан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида юз бермоқда.

Жумладан, Яланғоч мавзеси, 60-уй, 6-хонадонда яшовчи 1954 йилда туғилган Д. Зинуров маст ҳолатда сигарета чекиши оқибатида ёнғин содир бўлди. Натижада Д. Зинуров 90 фоиз қуйиш жароҳатини олиб касалхонада ҳаётдан кўз юмди.

Газ асбобларидан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик натижасида Латофат кўчаси, 22-уйнинг ошхонаси ёниб кетган, шунингдек Х. Абдуллаева кўчаси, 51-уй, 5-хонадон ошхонасида ёнғин содир бўлиб, ўт чиқиши натижасида уй жиҳозларига катта зарар етган.

Кўриб турганингиздек, ёнғинларнинг аксарияти ўзимизнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслигимиз оқибатида келиб чиқмоқда.

Ёнғинларнинг келиб чиқмаслиги учун ёш болаларнинг олов ўйнаши, маст ҳолда сигарета чекиш, газ асбобларидан ноқонуний равишда фойдаланиш, оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланишга йўл қўймаслик чора-тадбирларига амал қилиш кераклигини эслатиб ўтамиз.

*Олим ПЎЛАТОВ,*
*2-Мустақил ҳарбийлаштирилган ўт ўчириш қисмининг катта назоратчиси, ички хизмат капитани.*


# ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Ичимлик сув босимининг пасайиши ва бўлмаслиги ҳақида**

***«Сувсоз» тресги сув ўтказгич ҳамда катта ҳажмли сув ўтказгич тармоқларида таъмирлаш ишларини бажариш, шунингдек 1999 йил баҳорги-ёзги мавсумга тайёргарлик кўриш муносабати билан истеъмолчиларга ичимлик сув босимининг пасайиши ва бўлмаслиги ҳақида қуйидагиларни маълум қилади:***

**5 апрель соат 9.00 дан то 6 апрель 9.00гача**

1. Шайхонтоҳур тумани Хувайдо, Тинчлик кўчаларида сув босими пасаяди. С. Раҳимов тумани Сағбон, Форобий, Шифокор маҳалласи, Миробод тумани Ўзбекистон кўчасида сув босими пасаяди.

2. С. Раҳимов тумани А. Қодирий маҳалласи Б-1, Б-2, Б-3, М-26, М-27 даҳаси Ниёзов кўчаси, Беруний майдонида сув бўлмайди. Миробод тумани Ойбек кўчаси, Нуронийлар, Яккачинор, Яккасарой тумани Самарқанд даҳасида совуқ сув бўлмайди.

**6 апрель соат 9.00 дан 7 апрель 21.00 гача**

Сергели тумани, Сергели даҳаси 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 16-9 қаватли уйлар, Дўстлик даҳаси 1, 2-уйларда сув босими пасаяди.

**7 апрель соат 9.00 дан 9 апрель 9.00 гача**

Шайхонтоҳур, С. Раҳимов туманларида сув босими пасаяди.

**12 апрель соат 9.00 дан 13 апрель 9.00 гача**

Мирзо Улуғбек тумани: Буюк Ипак йўли кўчасида сув босими пасаяди.

2. Ҳамза тумани «Гўзал» маҳалласида совуқ сув бўлмайди.

**13 апрель соат 9.00 дан 15 апрель 9.00 гача**

1. С. Раҳимов тумани, Шайхонтоҳур тумани, А. Икромов, Чилонзор туманларида сув босими камаяди.

**15 апрель соат 9.00 дан 16 апрель 9.00 гача**

1. Сирғали туманида совуқ сув босими камаяди.

Сув бўлмаган жойларга сув ташувчи автомашиналар сувни етказиб берадилар. Тел.: 133-15-95, 133-75-95, 152-60-08.

## ИМКОНИЯТИНГИЗНИ ҚЎЛДАН БЕРМАНГ!



*Сизнинг лотерея билетларини харид қилиш учун пул сарфлашингизга ҳожат бўлмайди.*

*Сиз электрдан фойдаланганлик учун ҳақни ўз вақтида тўлаган ҳолда ушбу мукофотлардан бирининг соҳиби бўлишингиз мумкин.*

*Ҳар чоракда ўтказиладиган қимматбаҳо ютуқлар тиражида электр қуввати учун тўловлар бўйича қарзи бўлмаган маиший истеъмолчиларнинг шахсий ҳисоб рақамлари қатнашади.*

Навбатдаги ютуқлар тиражи 15 апрелда ўтказилади.





**Маълумотлар учун телефонлар: 133-82-03,136-60-32.**

**Электр энергияси ҳақини ҳар ойда тўлашни унутманг!**

**Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси.**

## «МЕБЕЛЬ» ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«МЕБЕЛЬ» ОАЖ акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши 1999 йил 9 апрель куни соат 14.00 да қуйидаги манзилда ўтказилади:

Тошкент шаҳар, Саъдий кўчаси, 6-уй.

**КУН ТАРТИБИ**

1. «МЕБЕЛЬ» ОАЖ нинг 1998 йилдаги фаолияти ҳақида ҳисобот ва 1999 йилдаги вазифалари тўғрисида.

2. Тафтиш комиссиясининг 1998 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи.

3. Бошқа масалалар.

Акциядорларни руйхатга олиш 1999 йил 9 апрель соат 8 дан бошланади.

## «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

*Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади. Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.*

***Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.***
***Факс: (3712) 133-29-09.***
***МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.***

## АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

«Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси истеъмолчилар эътиборига шуни етказадики, иситиш мавсумини ўтказиш қоидалари (ташқаридаги ҳавонинг ўртача кундалик ҳарорати +8°С бўлиб турганлиги муносабати билан) га мувофиқ ва Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига асосан 1999 йилнинг 5 апрелидан 8 апрелига қадар иситиш мавсуми тўхтатилади.

Тошкент вилояти, Пискент туманидаги 24-мактаб томонидан Хайрулла Жумадиллаевич Қосимов номига берилган ўрта маълумот тўғрисидаги № 444188 рақамли йўқолган шаҳодатнома

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«Ўзбектелефильм» студиясининг раҳбарияти ва жамоаси иқтисод-режа бўлимининг бошлиғи Маъмура Мелиевна Қодировага муҳтарама оналари **Азиза Аҳмаджоновна МИРТОЖИЕВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-0269. Босмага топшириш вақти 11.30 1 2 3 4 5 6